

«Ташқи рекламасини жойлаштириш учун рухсат берувчи ҳужжатларни олишга ариза юбориш» интерактив хизмати РЕГЛАМЕНТИ

1. Интерактив хизмат тавсифи (паспорти)

1.1. Интерактив хизмат номи

Ташқи рекламасини жойлаштириш учун рухсат берувчи ҳужжатларни олишга ариза юбориш

1.2. Интерактив хизмат натижаси

Веб-сайтнинг ушбу интерактив хизмат бўлимига кирганди Ташқи рекламасини жойлаштириш учун рухсат берувчи ҳужжатларни олишга ариза юбориш учун маълумотларни олиш ёки маълумотларни фойдаланувчи компьютерга юклаб олиш ҳамда онлайн ариза юбориш имкони яратилади

1.3. Интерактив хизмат кўрсатувчи ташкилот ва корхоналар ва хизмат кўрсатиш манзили

Вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сатида интерактив хизматлар хаволасида мавжуд веб-сайтдаги хаволаси:
<http://interaktiv.namangan.uz>

1.4. Қонуний асослар

Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуни.

Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасининг “Рекламани жойлаштириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2011 йил 26 мартдаги 4-сон қарори.

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Жисмоний ва юридик шахслар

1.6. Мурожаат бериш муддати

10 иш куни – реклама материалида жисмоний шахснинг суратидан фойдаланилмаган аризани кўриб чиқиш.

15 иш куни – реклама материалида жисмоний шахснинг суратидан фойдаланилган аризани кўриб чиқиш.

2. Хизматдан фойдаланувчилар учун маълумот

2.1. Маълумотлар таркиби ва хажми

Ташқи рекламасини жойлаштириш учун рухсат берувчи ҳужжатларни олишга ариза юбориш тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, уларни ташкил қилиш бўйича фуқаролар аризаларини қабул қилиш.

2.2. Сўров бўйича маълумот бериш

Сўровнома юбориш кўзда тутилмаган Вилоят Ҳокимлигининг расмий веб-сайтига кириб бир лахзада маълумот олиш ёки онлайн ариза юбориш мумкин

2.3. Интерактив хизматни кўрсатиш жойида маълумот бериш

Наманган вилояти ҳокимлигининг расмий веб-портали

2.4. Фойдаланиладиган ариза ва бланкалар (шакллар)

Тасдиқланган бланкалар асосида

3. Хизмат кўрсатиш

3.1. Иш вақти

24 соат

3.2. Кутиш талаблари

Кутиш шартлари мавжуд эмас.

4. Хизмат кўрсатиш жараёнлари

4.1. Зарурий хужжатлар

Реклама материаллари (А4 форматда реклама материалининг эскизи, АВИ ёки МП-4 форматда видеоролик) эркин шаклда (реклама материаллари давлат тилида тақдим этилади. Шунингдек, аризачи ўз истагига кўра реклама материалларини бошқа тилда такрорий ҳолда тақдим этиши мумкин).

4.2. Хизмат нархи.

Хизмат фойдаланиш бепул.

4.3. Давлат хизматини кўрсатиш босқичлари

Босқичлар мавжуд эмас

4.4. Ички тартибда интерактив давлат хизматини кўрсатиш жараёнлари

Жараён 1: Маълумотларни тайёрлаш

Жараён 2: Веб-сайтга жойлаштириш

4.5. Рад этиш асослари

Орфографик, стилистик хатолар мавжуд бўлса.

Умум қабул қилинган одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилмаса ҳамда бланкалар хато ва нотўлиқ тўлдирилса.

Бузук, сифатсиз (кўриб бўлмайдиган) реклама материали ёлланса.

5. Сифатини таъминлаш

5.1. Сифат

Юридик шахслар томонидан илгари сурилган масалалар бўйича қайта муурожаатлар йўқлиги.

5.2. Сифатсиз хизматдан шикоят қилиш

Юридик шахс томонидан муурожаатига асосан қабул қилинган жавоб юзасидан аниқ сабабларни кўрсатган ҳолда шикоят бериши мумкин.

Хизматни кўрсатиш схемаси: «Ташқи рекламасини жойлаштириш учун рухсат берувчи ҳужжатларни олишга ариза юбориш»

